

Сабоҳат АЮБОВА

Ҳавас

СОҲИР ДУНЁ

Шеърлар




**Наманган» нашриёти
2007**

84(54)6-5



Сабоҳат Аюбова 1989 йил 10 ноябрда Чуст туманидаги Қизилтепа қишлоғида тугилган. У ҳозир тумандаги 40-умумий таълим мактабининг 11-синфида таҳсил олаётир. Сабоҳат бадиий ижодга ёшлигидан кўнғил қўйган. Ўнлаб шеър, ҳикоя, мақолалари туман ҳокимлигининг «Чуст ҳақиқати» газетасида чоп этилган.

Ушбу тўпламга Сабоҳатнинг кейинги пайтдаги маишқларидан жамладик.



HO 33135
0

НГ. 643 - 1458,46 - 1280800 2007
644 - 1,0 - (06) - 07

© «Наманган» нашриёти. Сабоҳат Аюбова

МУАЛЛИМИМ

*Китобга меҳр қўйган,
Элу юртини суйган,
Эрта деб дили куйган,
Меҳрибон муаллимим.*

*Соглик тилайман сизга,
Тинч бўлинг бахтимизга,
Нур тўлсин уйингизга,
Меҳрибон муаллимим.*

БОҒЧАМИЗ

*Боғчамизда бир неча
Мураббия ишлайди.
Улар чаққон, ораста,
Боғча гулга ўхшайди.*

*Хар бир сўзи иболи,
Мисли ой, ё фаришта,
Демак, қизлар вафоли
Бўлмоғи шарт, саришта.*

*Тилагим шу сизларга
Бахту иқбол ёр бўлсин.
Энг яхши орзунгизга
Етишмоқлик бор бўлсин.*

ҚОРБОБО

Янги йилни тасаввур
Қилиб бўлмас арчасиз.
Қорбобо-ю Қорқиз ҳам
Жило берар барчаси.

Айниқса, Қорбобомиз
Келар узоқ ўрмондан.
Қопчасида ўйинчоқ
Совгалари бор чиндан.

Давра қуриб ўйнаймиз
Айтамиз шеър у қўшиқ.
Янги йил байрамига
Катта арча ярашиқ.

Ким шеър айтса, Қорбобо,
Совгалардан улашар.
Болаларнинг қалбида
Шодлиги, завқи ошар.

ДЎСТЛИК

Дўстингнинг бошига тушса агар гам,
Ёрдамга тез шошил, бўл дилга ҳамдам.
Барча шодлигингни бирга кўр баҳам,
Арисин қалбидан андуҳу алам.

*Оғир кунда керак, ахир, дўсту ёр,
Ҳаётда қувончу шодликлар бисёр.
Сен ёрдам кўрсатсанг дўстинг ҳолига,
У ҳам бир кун бўлув беминнат дастёр.*

ТИНЧЛИК

*Элларнинг дилдаги ардоғи тинчлик,
Фароғат, саодат байроғи тинчлик.
Хотиржам яшамоқ - инсон матлаби,
Уруш кўрганларнинг сўроғи - тинчлик.*

*Тинчликда халқимиз яшар бахтиёр,
Зарра қон тўкилмас, етим-есир йўқ,
Ҳур авлод улғаяр, орзуси баҳор,
Барча оналарнинг кўнгиллари тўқ.*

НАВОИЙ БОБОМ

*Туркий элда ягона
Менинг Навоий бобом.
Сўздан қилди дурдона,
Шундан миллат бардавом.*

*Беш асрнинг ортидан
Янграр бобом куй, сози,
Арзир қанча фахр этсак,
Бобомизниг овози.*

*Шеърларини ёд олиб,
Ўқиймиз бериб сайқал.
Ўқиб ўрганиш билан
Кўямиз унга ҳайкал.*

ЎҚИТУВЧИ

*Болаларнинг кўнглига
Йўл топа олган зот ким?
Ҳар бир инсон умрига
Нур бахш эта олган ким?
Жонажон ўқитувчи,
Меҳрибон ўқитувчи.*

*Меҳри дарё, саҳий дил,
Одоб-ахлоқнинг кони,
Меҳнаткаш, очиқ кўнғил,
Илму урфон богбони.
Жонажон ўқитувчи,
Меҳрибон ўқитувчи.*



ЎЗБЕГИМ

Тарих саҳифаларин
Варақладим, билдим боз.
Менинг бобо калоним
Барчага бўлган устоз.

Навоийдан айтайми,
Айтайми Улугбекдан.
Амир Темури тузуғи
Қолган бизнинг ўзбекдан.

Мирзо Бобур меҳридан
Жаннат бўлди Ҳиндистон.
Тоғ Маҳални бир кўриб
Лол қолар жумла жаҳон.

Беруний, Форобий бор,
Ибн Сино, Хоразмий,
Дилимизда бор виқор,
Буюқдир улар азми.

Бироқ, тарих - тарих-да,
Биз ҳам муносиб ворис.
Ҳар битта авлодлардан
Қолсин-да муносиб из.

ОНА ЕР

Она қабри устида
Унсиз йиглар фарзанди.
Излаб она меҳрини
Талпинади дилбанди.
Қабридаги тупроқдан
Суртар эди юзига.
Гўё она меҳрини
Олар эди тупроқдан.
Бола жуда эзилиб,
Ажралибди ҳушидан.
Лекин шунда туш кўриб,
Сас чиқибди қабрдан.
-Болажоним согиниб,
Келибсанда қабримга.
Дилингдан дуо ўқиб
Хузур бердинг руҳимга.
Менинг ота-онам ҳам
Шу тупроққа айланган.
Энди менинг танам ҳам .
Шу тупроққа қўшилган.
Яна мени согинсанг,
Шу тупроқни эслагин.
Юртга содиқ эр бўлиб,
Мен - тупроқни асрагин.

ҲАВАС ҚИЛМА

Ўзга юртга ҳавас қилма,
Ўз элингга бер меҳринг.
Сўнгга пушмон қилиб юрма,
Тўкилгач, қону теринг.

КЎНГИЛ ОЧИБ

Гулзор узра капалак
Гулдан гулга қўнибди.
Ҳар бирига дил очиб
Кўп режалар тузибди.

Ари кўриб бу ҳолатни
Ўша гулга қўнибди.
Келганда капалакка
Жазо бериб, чақибди.

Дўстлар сиз ҳам ўйламай,
Дуч келгани алдаманг.
Бевафолик ёмон одат,
Сўнг пушаймон айламанг.



ЁР СУРАТИ

Ёр сурати доимо азиз,
Малҳам эрур гам-ташвишларга.
Боқсам кўзёш келади ҳаргиз,
У қалбимга яқин кишим-да.

Менинг учун дилбар табассум
Яноқларин ол ранги таниш.
Уни ўйлаб ўтади ҳар зум
Унинг учун армон, ўртаниш.

Гоҳ ўйланиб қолурман сўзсиз,
Яхшиям бор шу танҳо сурат.
Йўқса ўтиб кетарди изсиз
Хотирадан ҳаттоки сийрат.

НОМИМИЗ

Эъозланг, инсонлар қабрини,
Хотирлаб уларнинг умрини.
Ғанимат тириклик чоғимиз,
Кунба кун ўтмоқда умримиз.
Ҳозирдан намуна бўлмасак,
Марҳумлар ҳурматин қилмасак,
Қачондир бизнинг ҳам қабримиз.
Қоядек тик турар кимсасиз.
Ҳаттоки ўтмасдан йилимиз,
Нишонсиз ўчади номимиз.

ЧУМОЛИ

Уйи-жойи ер тўла,
Ташийди доим галла.
Ўзи кичик бўлса ҳам
Чарчамайди ҳеч бир дам.
Ёзда тинмай ишлайди,
Қишда бўлса, қувнайди.

ТОПИШМОҚЛАР

Эрта саҳар чоғидан
То тунгача толмасдан,
Сўзлайверар тинмасдан,
Сенга қулоқ солмасдан. (радио)

Йилнинг тўртта фаслида
Бир хил кўм-кўк тўнида.
Янги йил нафасида -
Даврамизнинг тўрида. (арча)

Балиқ эмас жони йўқ,
Куруқликда жойи йўқ. (кема)

Доим рақиб шоҳининг
Бермоқ истар додини.
Шоҳ йўқотса йўлини
Тугатилар ўйинни. (шахмат)

Икки ога-ини бор,
Ҳеч ажралмас, бир жойда.
Лекин уларнинг изи
Тескаридир ҳар жойда. (оёқ изи)

Йўқ бўлса ҳам оёғи,
Бордир оғзи, қулоғи.
Керак бўлсанг атайлаб
Чақиради жаранглаб. (телефон)

Йўқдир асло оёғи,
Бирор ерга қўнмоққа.
Бўлмаса ҳам қаноти
Учар доим ҳар ёққа. (тутун)

Эрта тонгни олқишлаб,
Сурнай чалиб қичқирди.
Ухлаганни уйғотиб,
Тонг отганин билдирди. (хўроз)

Катта қозон ёйилгач,
Ичи хира қоронғу
Кўнлаб чироқ ёқилган
Йўқдир унинг саногги. (тун ва юлдуз)

Тош эмас у - жони бор,
Тош косада тани бор. (тошбақа)

Осмон ўпар бўйи бор,
Дўпписидир оппоқ қор. (чўққи)

Қачон кўрсанг дарахтда,
Тўқ-тўқ урар тумшугин.
Доим шундай меҳнатда
Топиб яшар озугин. (қизилиштон)

Вақтни тўғри ҳисоблаб,
Санаб борар «чиқ-чиқ»лаб.
Ухлаб қолсанг мободо,
Уйғотади жиринглаб. (соат)

Ўйноқилаб осмонда
Ерга тушар саноқсиз.
Атрофга ҳам тўсатдан
Ранг беради - оппоқ тус. (қор)

Қат-қат бўлиб қанчаси,
Жойлашади барчаси.
Хар қатин очиб боқдим,
Ундан фикр, билим топдим. (китоб)

Икки тоғнинг устидан
Юк кўтарар у доим.
Сахро-ю чўл, қумликда
Чанқов билмас, мулойим. (туя)

ТҮРТЛИК

*Биров яшар экан бою бадавлат,
Биров-чи, хору зор, йўқсил, бечора.
Кимки, орзу қилса, интилса, давлат-
Куши қўниб ўтса бошига , зора...*

АЛИФБОНИ

*Алифбони ургандинг,
Энди ақлинг пешлагин.
«Онажоним» деб ёздинг,
Фарзандликни оқлагин.*


*«Ватан» сўзин ёзганда
Элу юртни ўйлагин.
Катта одам бўлганда
Инсон номин поклагин.*

ҚУРБАҚА

*Кўл томонда юрар сакраб,
Қуруқ сувда овқат излаб.
Шу кунидан шод қурбақа
Қилаверар вақ-вақ-вақа.*

МУНДАРИЖА

Муаллимим.....	3
Боғчамиз	3
Қорбобо	4
Дўстлик	4
Тинчлик	5
Навоий бобом	5
Ўқитувчи	6
Ўзбегим	7
Она ер	8
Ҳавас қилма	9
Кўнгил очиб	9
Ёр сурати	10
Номимиз	10
Чумоли	11
Топишмоқлар	11
Тўртлик	14
Алифбони	14
Қурбақа	14



Адабий-бадий нашр

Сабоҳат АЮБОВА

СОҲИР ДУНЁ

Шеърлар

Муҳаррир: **М. АКМАЛОВ.**
Саҳифаловчи: **И. ТОШХОЖАЕВ.**
Тех. муҳаррир: **Ғ. МУЛЛАБОЕВ.**
Мусахҳиҳ: **С. ХОЖАЕВ.**



Теришга 22.05.2007 йил берилди. Босишга 5.06.2007 йил рухсат этилди.
Газета қоғозига офсет усулида босилди. Бичими 60x84. 1/16. Ҳажми 1,0
босма табақ. Адади 500 нусха. Буюртма № 357. Баҳоси келишилган нархда.

«Наманган» нашриёти. Наманган шаҳри Навоий куча 36-уй.
«Чуст босмахонаси», МЧЖ Чуст шаҳри, Сўфизода кўчаси, 8-уй.